

# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## Вилоят ҳокимлигида

Вилоят ҳокимлигига сўнги бир ҳафта мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларнинг 70 фоизи тадбиркорликни ташкил этиш билан боғлиқ экани маълум қилинди. Ушбу маълумот Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятидаги Халқ қабулхонасига масъул раҳбар тайинлаши муносабати билан ташкил этилган анжуманда қайд этилди. Йиғилишда вилоят ҳокимлиги, бошқарма ва ташкилотлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Шукурулло Бобоев олиб борди.

## ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАСИ — АДОЛАТ МАСКАНИ

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Турсунхон Худойбергенов ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 28 декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг мантиқий давоми бўлиб, "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган тамойилни амалда қарор топтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлаётганини таъкидлашди.

чиқиш имконини бериши таъкидланди. Шунингдек, Халқ қабулхоналари Конституциямизда белгиланган давлатнинг халқ иродасини ифода этиши, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги масъулиятини янада ошириши хусусида сўз борди. Давлат маслаҳатчиси йиғилиш иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири этиб, айни пайтгача Пискент тумани ҳокими лавозимида ишлаб келган Акмалжон Исабоевни таништирар экан, вилоят, шаҳар ва туманлардаги Халқ қабулхоналарининг самарали фаолият юритиши ҳамда уларга малакали мутахассисларни жалб қилиш юзасидан тегишли тавсиялар берди. **Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,** "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

## КИТОБХОНЛИК:

# МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ ВА ЭЗГУЛИК ЭҲТИЁЖИ



Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги Фармойишини катта қониқиш ва мамнуният билан ўқидик. Кўнгила ёруғлик кирди. Бу ишларга эҳтиёж этилгани бир томону вазиятни зарғарона ҳис қилиб, айни жабҳани тамомила янги босқичга кўтариш жараёни бошланаётгани бир томон эди!.. Бутун оламда ноширлик виртуал майдонларга кўчаётган, машҳур жаридалар, ҳафталиклар "www"га оғиб бораётган паллада бизнинг Ватанимизда аҳли сўз, китобатчилик шоён мавқега кўтарилмоқда, дегани бу!..

Миллий ноширлик тарихида шундай замонлар кечдики, айрим қаққон "босарман"лар одамларнинг ҳол-кайфияти, мақсад-муддаолари билан ҳисоблашмай, хашаки ёзарманларнинг хом-хатала битикларини тўплаб, ёки бўлмаса, одамларга ақл ўргатишга ишқибоз фарблик "олим"ларнинг насихатларини чоп этиб, азбаройи даромад топмоқ илинжида китобатчилик санъатини обрўсизлантирдилар. Мазкур муҳим ҳужжат эса у даврлар ортада қолганини, энди бари бошқача бўлишини англагучи ҳаётбахш муждадир...

Давоми 4-бетда. ➡

## ТАДБИРКОРЛИК УЧУН МОЛИЯВИЙ МАДАД

Миллий матбуот марказида акциядорлик тижорат "Агробанк" томонидан "Соғлом она ва бола йилида амалга оширилган ишлар ва Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида банк олдида қўйилган устувор вазифалар" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

### Анжуман

Унда асосий эътибор молия муассасасининг мамлакатимиз иқтисодиётининг sanoat ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида кичик бизнес ва ҳуқуқий тадбиркорликни ривожлантиришга қай даражада қўлаб-қувватлаётганига қаратилди. Таъкидланганидек, банкнинг умумий капитали 2016 йилнинг бошига нисбатан 70,1

миллиард сўмга ўсиб, 532 миллиард сўмга етди. Утган йили кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш мақсадларига 25 миллиард сўм ажратилди. — Тадбиркорлик билан шуғулланиши истовчи, кредитга эҳтиёжи бор юрtdошларимизнинг бизнес лойиҳаларини қисқа муддатларда ўрганиб,

амалий ёрдам бермоқдамиз, — дейди банкнинг жисмоний шахсларни кредитлаш бўлими бошлиғи ўткир Неъматов. — Айниқса, аҳолини соҳага жалб қилиш ва уларга ўз бизнесларини бошлашга изчил қўмақлашга тганимиз босқичлардан тушаётган тақдирлар кескин кўпайди. Шунингдек, анжуманда банк мутахассислари "Оддий аҳолини тадбиркор қилиш" шиори остида бошланган саъй-ҳаракатлар самараси ҳақида матбуот вакиллари атрофлича маълумот беришди. **Абдулазиз МУСАЕВ,** "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

## Ўзбекистон — умумий ўйимиз

Чиноз туманидаги "Сутбулоқ" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда уч юзга яқин хонадон бор. Турли миллат вакиллари билан иборат маҳалла аҳли аҳил-иноқ ва ҳамжиҳатликда яшаб, юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида самарали меҳнат қилмоқда. Байрамлар, тўй-маърака ва катта-кичик ҳашарларда бу аҳиллик янада яққол кўзга ташланади, ҳавасингиз келади.

## МАҲАЛЛАДА ТҮЙ БЎЛСА...

Бесенгул Жўлтаева шу маҳалланинг кайвони онахонларидан. Маҳалладаги унча-мунча кенгашли ишларда, тадбирларда кўпчилик унинг фикрига таянади, маслаҳат солади. "Ҳаётимиз тахрибангиз катта, етти-саккиз йил шу қишлоқ фуқаролар йиғинини бошқарганимиз", дейишади. Шу боис айни пайтда Бесенгул ая 60 гектар майдонга эга "Умид" фермер хўжалигини намунали бошқараётган қишлоқ мулкдори — фермер бўлса-да, кўпчилик унга "раис опа", "раис она" деб мурожаат қилади. ... Бесенгул ая уйдан набираси Камронбекни опичлаб, кўчага чиқди. Дарвозадан узоқлашмай туриб, қаршисига маҳалладаши Сергей Кимнинг машинаси келиб тўхтади. — Ассалому алайкум, раис опа! Тез бормасангиз, маслаҳат оши-

га кен қоласиз? — Мотори ўчмаган машина ойнасидан шоша-пиша галирди. — Ҳамма ўша ерда. Ҳозир сабзи тўғрар бўлаёпти. Тўй эгалари — Шаҳарой мома ҳам, Абдумажид бобо ҳам сизни сўраётган эди. Мен бир жойга тез бориб, қайтаман. Бесенгул ая машинанинг ортидан қараб қолар экан, беихтиёр хаёлга толди. Шу йиғиннинг отаси — раҳматли шифокор Алексей Борисович Ким кўни-қўшнига жуда эш инсон эди. Уғли ҳам ўзига ўхшади. Вақти тигиз, катта тадбиркор бўлса ҳам тўй-маъракаларга вақт ажратиб, "лаббай" деб туради. Лекин у Абдумажид бобонинг невараси тўйида ҳар қандай зарур ишнинг йиғиштириб, ўғиллари қаторида хизматига бел боғласа ҳам арзийди.

Давоми 2-бетда. ➡

## 2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

# ҲАЁТИЙ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИ

Ҳар қандай жамиятнинг тараққиёти, гуллаб-яшнаши хотин-қизларга бўлган муносабати билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, хотин-қизлар масаласига юксак эътиборнинг намунаси сифатида таш-

кил этилган Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, унинг фаолиятини қўлаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар 25 йилдирки, ўзбек аёлининг қадди-бастини юксакларга кўтармоқда.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг дастлабки кунларида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиёва билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди. — Хотин-қизлар масаласи ҳақидаги мулоҳазаларимизни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларидаги бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросим ва яна бир қатор муҳим сана ва воқеалар муносабати билан ўтказилаётган анжуманлардаги маърузаларида белгилаб берилган асту-

вор вазифаларга боғлаб давом эттириш мақсадга мувофиқ бўлар эди, — дейди суҳбатдошимиз. — Аслида мамлакатимиз раҳбари кўнунчилик билан айтган мардона сўзлари, ҳаёт ҳақиқатлари ҳар биримизнинг қалбимизни сергаҳликка чорлайди, керакли хулосалар чиқаришга ундайди. Хусусан, давлатимизнинг нуфузли маросимида тилга олинган, Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Норбоевага топширилган бири-биридан муҳим ва ҳаётий вазифалар — оила асосларини мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдириш, аёллар ўртасида жиноятчилик, оилаларда ажралишларнинг олдини олиш, ёшларни турли диний-экстремистик

оқимлар ва террористик ташкилотлар таъсиридан асраш, аёллар бандлиги, муносиб меҳнат билан шуғулланишлари учун доимий иш жойларини яратиш, оилавий бизнес, касаначилик, хунармандчилик, томорқа хўжалигини кенг ривожлантириш каби ишлар бевосита вилоятимиз хотин-қизлари учун ҳам ўта долзарб аҳамиятга эга. Моҳиятан бири-бири билан узвий боғлиқ бу вазифалар Хотин-қизлар қўмитасига топширилиши бежиз эмас. Зеро, оиланинг мустаҳкамлиги, аввало, оқила, саранжом-сарийшта оналарга боғлиқ. Бу борада оталар масъулиятини инкор этмаган ҳолда, уй бекаларининг сабр-тоқати, зукколиги хонадон тинчлиги, оила аъзоларининг аҳиллигини таъминловчи муҳим омил эканини таъкидлаш жоиз.

Давоми 2-бетда. ➡

Янгиликлар, хабарлар, таҳлилий-танқидий мақолалар билан газетамизнинг интернетдаги манзили — [www.thtp.uz](http://www.thtp.uz) орқали ҳам танишишингиз мумкин.

# ОДАМЛАР ИШОНЧИ ЭНГ ЮКСАК МЕЗОН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган кенгайтирилган мажлисида йил яқунлари чуқур таҳлил қилиниб, жамият фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган ислохотларнинг кейинги босқичлари кўрсатиб берилди.

### Сенатор минбари

Чорак аср давомида Ўзбекистон демократик давлат сифатида тўлиқ шаклланиб, дунёга чиқди. Жамиятнинг бардавом ривожланиши учун барча қонуний асослар яратилди. Халқ хўжалиги соҳаларини малакали кадрлар билан таъминлаш учун алоҳида дастурлар қабул қилинди. Янги тармоқлар ташкил этилиши натижасида аҳоли фаровонлиги

йил сайин юксалиб бормоқда. 2016 йил яқунлари бўйича Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти ўсиш даражаси бўйича жаҳонда олтинчи ўринга лойиқ кўрилгани ҳам фикримиз исботидир. Бирок, Президентимиз айтганидек: "Эришилган ютуқлар ўзимизники, унга маҳлиё бўлиб ўтириш бизга ярашмайди". Мажлисида давлати-

миз раҳбари халқ хўжалигининг ҳар бир йўналишини чуқур таҳлил қилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш йўллари ва муддатларини белгилаб берди. Айни пайтда соҳани ривожлантиришда раҳбарнинг ўрни, вазифаси ҳақида муҳим фикрлар билдирилди. Таъкидланганидек, масъул шахсларнинг мурракаб муаммолар ечимини чуқур таҳлил қилмаслиги, дунёда кечаётган иқтисодий-сиёсий жараёнларни ҳисобга олмаслик ва соҳадаги ўзгаришларни олдиндан кўра билмаслиги юзага келаётган камчиликларнинг асосий сабабидир. Мажлисида кўтарилган яна бир масала — халққа бўлган муносабат, аҳоли дуч келаётган муаммоларни ўз вақтида тўғри

ҳал қилишдир. Маърузада айтилганидек: "Энг муҳим вазифа фуқаролар билан очиқ мулоқотга қаришишининг самарали усулларини йўлга қўйишдир". Бу ўринда ҳар бир туманда Халқ қабулхоналарининг талаб доирасида фаолият юритишини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, номига қабулхона ташкил этиб, муаммони қатор дафтарларга қайд қилиб, ҳисоботлар тақдим этишининг, бошқача айтганда, куруқ қоғозбозликнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Шу вақтга қадар, Президентимиз таъбири билан айтганда: "Халқ бизга юрагини берди, биз унга қоғоз бердик". Зеро, халқ розилиги йўлида депутатлар ҳам ўз ишларини танқидий

жиҳатдан таҳлил қилиш, фуқароларни қўйнаётган муаммоларга ечим топиш, халқ билан ҳукумат ўртасида кўприк вазифасини бажаришлари лозим. Депутатлар ўзлари сайланган ҳудудларда қонуний ва давлат дастурлари ижросини назорат қилиш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, аниқса, мамлакатимиз келажаги бўлган ёшлар тарбияси, уларни иш билан таъминлаш, сифатли тиббий хизмат ва таълим билан қамраб олишдек муҳим ва масъулиятли ишга қўшадиган ҳиссалари билангина том маънода халқ вакиллари эканликларини намоён этишлари мумкин. **Мақсуда ВОРИСОВА,** Олий Мажлис Сенати аъзоси.



Шу маънода хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласи ҳар доим долзарб вазифа бўлиб келади. Утган 2016 йил давомида иш сўраб мурожаат этган 19 минг 893 кишининг 8 минг 724 нафарини хотин-қизлар эди. Йил давомида олиб борилган тушунтириш, тарғибот ишлари, ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркалари, кўрсатилган амалий ёрдамлар туфайли уларнинг 8 минг 521 нафарини иш билан таъминлашга эришилди. Вилоят бўйича 81 марта ўтказилган меҳнат ярмаркаларида қатнашган 1 минг 478 аёл ишга жойлашди.

Шу ўринда тadbиркорлик билан шуғулланаётган, ёки энди иш бошлаётган аёлларимизга берилётган кредитлар самарасини алоҳида таъкидлаш лозим. Вилоят тижорат банклари ажратган 95 миллион 836 минг сўм микрокредитлар ҳисобига 1 минг 225 та янги иш ўрни яратилди. Утган 2015 йилга нисбатан кредитлар сони 962 тага, иш ўринлари 256 тага ортди.

Тўғри, бу кўрсаткичлар бандлик масаласи тўла ҳал қилинди, дегани эмас. Аммо, тиниб-тинчимас, изланувчан, интилувчан тadbиркорларимиз нафақат вилоятда, балки республикада, ҳатто хорижда ҳам ўз маҳсулотлари билан ном қозонишмоқда. Ангренлик Шохиста Мадирова, бекободлик Уғилой Мирзамуродова, оҳангаронлик Фароғат Мўмин-

Бошлонғиш 1-бетда.

жоновва, янгийўллик Раъно Бобеова, Мамлакат Иброҳимова, қибрайлик Малика Қодирхонова, Ўрта Чирчиқдан Шахло Маҳкамова, чирчиқлик Ражаббуви Имонбердиева, Бўқадан Сайёра Тошматова, Олмаликдан Зулфия Усмонова ва бошқалар ўз тadbиркорлик фаолиятларини кенгайтириш билан бирга хотин-қизлар бандлигини таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқдалар. Бу каби ишбилармон аёлларимиз сафи тобора ортиб бораётгани қувонарли.

Вилоятимизнинг ҳар соҳада фаол аёллари – олималар, ёзувчи, шоирларимиз, Олимпиада чўққиларини забт

ошириш биз, хотин-қизларнинг бирламчи вазифаси. Унинг ижросида мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, ижтимоий шериклик тамойиллари асосида, хусусан, хотин-қизлар кўмиталари, касаба уюшмалари, "Маҳалла", "Нуруний", "Камолот" тузилмалари, диний идора, ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда иш олиб боришимиз керак.

Айниқса, ёшлари-



тафтини одам олади, – деб мулоҳазаларига яқун ясади Сайёра Файзиёва. – Айниқса, хотин-қизларимизнинг дардини тинглаш, муаммоларини жойида ҳал этиш ҳозирги кун талаби. Шаҳар-туманларимизда ўтказилаётган тadbирларимизда, хусусан, Оҳангарондаги мулоқотда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Умуман, келгуси режаларимизни мамлакатимиз раҳбарининг маърузаларидан келиб чиқадиган вазифалар асосида қатъият билан амалга ошириш, бунда давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда, ижтимоий шериклик муносабатларига таянган ҳолда иш олиб бориш энг устувор вазифамиздир.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири Сайёра РИХСИЕВА ёзиб олди.

## ҲАЁТИЙ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИ

этаётган спортчиларимиз, шифокорлар, адабиёт ва санъат фойдалари, маҳаллалар фаоллари, истеъдодли ёшларимиз ҳақида соатлаб сўзлаш мумкин. Айниқса, ёшлар, хусусан, қизлар спортини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар, ҳар бир шаҳар ва туманимизда бунёд этилаётган спорт иншоотлари ҳар томонлама соғлом, баркамол ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, аёллар, оналар саломатлиги борасида давлатимиз кўрсатаётган ғамхўрликни, жойларда тўлақонли амалга

мизни оливаий ҳаётга тайёрлаш, оила масъулиятини ошириш, шарқона одоб-ахлоқ, Ватанга муҳаббат, юрта садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш мақсадида йўналтирилган маънавий-маърифий тadbирларни мунтазам ўтказиб бориш, ҳар бир маҳалла, кўча, хонадон, оилалардаги муҳитни чуқур ўрганиш орқали жойларда соғлом муҳитни яратиш келажак авлодни, ёшларимизни ҳар хил ёт фоялар таъсиридан асрашга хизмат қилиши керак.

Ҳозирги кунда вилоятимизда қариндош-уруғ ўртасида ва эрта никоҳлар, эрта туғиш,

никоҳни бекор қилиш, аёллар ва вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятлар ўтган йилларга нисбатан анча камайган. Аммо, бундай нохуш ҳолатларнинг умуман бўлмаслиги учун ҳали кўп ишлар қилишимиз керак. Хотин-қизлар кўмиталари, унинг бошланғич ташкилотлари, маҳаллалар қошида ташкил этилган аёллар кенгаши фаолиятини янада кучайтириш ҳамда Президентимиз таъкидлаганларидек, халқ билан мулоқотни, юзма-юз учрашувларни тез-тез ўтказишни режалаштирганмиз.

– Ҳақиқатан ҳам, одамнинг

### Томорқа – даромад манбаи

Бўқа туманидаги Турон қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам томорқадан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Худудда бир пайтлар фақат чорва озуқаси этиштирилган томорқаларнинг яхшигина қўшимча даромад манбаига айланаётгани аҳолини ҳар қарич ердан янада самарали фойдаланиш йўллари излаб топишга ундамоқда.

## «БЕШИНЧИ ФАСЛ» МЎЪЖИЗАСИ

Хонадонларда иссиқхоналар барпо этилиб, лимон, бодринг, помидор ҳамда тўқсонбосди, акинлар этиштириш, бир йилда икки-уч марта ҳосил олишга интилиш кучайди.

– Худудимиздаги иссиқхоналарда парваришланаётган лимон ва кўкатлар оилаларга даромад келтирмоқда, – дейди шу қишлоқда яшовчи Акбар Одиллов. – Биз ҳам томорқамиздан самарали фойдаланиш мақсадида 3 та иссиқхона барпо этдик. Уларнинг биттасига яхши ният билан лимон

кўчатлари ўтказдик, иккинчисида сабзавот ва кўкатлар экилади. Яна бирида куз ва кўш, фаслида лиёз, саримсўх ва дуққаки экинлар этиштиришни йўлга қўйдик. Айни кунларда бозорга помидор, бодринг ва кўкатлар чиқарилмоқда. Лимонзоримиз ҳам ҳосилга кирди, ҳисоб-китобимиз унинг ҳар тупи ўртача 100 килограммдан мева беришини кўрсатмоқда.

Қишлоқда бундай оилалар кўпайиб бормоқда. Мисол учун, уч йил илгари ўз томорқасида иссиқхона

ташкил этган Алишер Раҳмонов бугун ҳар туپ лимондан ўртача 150 килограммгача ҳосил олмақда. Даромад ҳам шунга яраша бўлаётир.

Ҳа, аҳоли томорқаси ва иссиқхоналарида этиштирилмайдиган турли мевалар, помидор, бодринг, кўкат сингари маҳсулотлар бозорларимиз тўқинлиги, арзончилигини таъминламоқда.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири. Мансур НАХАЛЛОВ олган сурат.



## МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ

Қибрай тумани ҳокимлигида «Халқ билан мулоқот – инсон манфаатларини ҳимоя қилишда энг асосий йўналиш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, партиянинг вилоят Кенгаши ва Қибрай тумани ҳокимлиги ўтказган мулоқотда партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ҳодимлари иштирок этишди.

Дастлаб иштирок-

чилар туман ҳокимлигида ташкил этилган Халқ қабулхонасига ташриф бўюриб, у ерда яратилган қулайликлар билан танишди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тadbирдаги маърузаси ҳамда

2016 йил 28 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тadbирлар тўғрисида»ги Фармони мазмун-моҳияти ва ундан келиб чиқадиган муҳим вазифалар муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, давлат органлари фаолиятида очиқликни, аҳоли билан тўғридан-тўғри муло-

## КҮЁШ БАТАРЕЯЛАРИ – ҲАР ТАРАФЛАМА ФЙДАЛИ

«Экосан» экология ва саноатлик халқро ҳайрия жамоат фонди томонидан Зангиота туманидаги А. Икромов номи қишлоқ врачлик пунктига 27 миллион сўмлик қуёш батареялари ўрнатилди.

### Қулайлик

Шу муносабат билан ташкил этилган тadbирда кенг жамоатчилик, тиббий соҳа вакиллари, ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этди. Унда Президентимиз томонидан тиббий хизмат сифати ва самардорлигини ошириш, қишлоқ врачлик пунктлари ишини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Экологик зарарсиз қуёш батареялари ўрнатилган ушбу пункт Зангиотадаги Туркистон қишлоқ фуқаролар йиғини худудида жойлашган. Йигирма икки нафар тиббий ходими меҳнат қилаётган муассаса «Бирлик», «Илғор» ва «Рамадон» маҳаллаларида яшовчи 6 минг 535 фуқарога хизмат кўрсатади.

– Пунктимизнинг электр энергия тизимида вақти-вақти билан узилишлар бўлиб турарди, – дейди қишлоқ врачлик пункти мудири Дилфуза Сайдуллаева. – Табиийки, бу пайтда физиотерапия, стоматология каби бўлимларимизда кенг фойдаланиладиган тиббий аппаратларни ишла-тиб бўлмайди. Натижада, баъзи тиббий хизматларни кўрсатиш кечиктирилди. Энди бу борада муаммо йўқ, электр энергия билан узилсиз равишда таъминланмоқдамиз. Бу эса аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, узлуксизлигини, теzkорлигини таъминлаш, пировардида, одамларни рози қилиш имконини беради.

Ҳолмурод САЛИМОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.



## ОЛТМИШ БЕШ ФЙЗИ ЭКСПОРТГА

Дехқончиликнинг ҳадисини олган вилоятимизнинг уста миришкорлари қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларидан мўл ҳосил этиштириш баробарида, иссиқхоначиликда ҳам ўзига хос натижаларга эришмоқда.

Жумладан, жорий мавсумнинг айна вақтига қадар 1 минг 180 гектардаги иссиқхоналардан 45 минг тоннадан зиёд сифатли маҳсулот олинди. Эътиборлиси, уларнинг 16 минг 500 тоннадан ортиқроғи вилоят ва пойтахтимиз бозорларига етказиб берилган бўлса, асосий қисми, яъни 29 минг 500 тоннаси экспортга йўналтирилди.

Ўз мухбиримиз.

## ҚИШЛОҚ АҲЛИ, СИЗЛАР УЧУН

Ангрен шаҳрининг сўлим қишлоқлари Нишбош ва Лашкаркак аҳолиси вилоят кенгаши депутаты Зарифа Эралиева билан тез-тез учрашиб, муаммоларини биргаликда ҳал этишга ҳаракат қилишади.

– 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили тоғлиқлар учун кутлуғ келди, – дейди депутат. – Ангрен шаҳар йўл қурилиши дастури асосида бу икки қишлоқни шаҳар билан боғлайдиган 20 километрли йўл таъмири учун 7 млрд. сўмлик маблағ ажратилади бўлди. Хализамон қурилиш ишлари бошланиб кетса, ажабмас. Шунингдек, тadbиркор Маназар Муродов саъй-ҳаракатлари билан қурилатган маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси кутлуғ сана арафасида фойдаланишга топширилди. Мажмуадаги тиббиёт хонаси, сартарошхона, оталар чойхонаси, ёшлар учун сузиш ҳавзаси – бассейни ва замонавий услубдаги ҳаммом ҳамда гўзаллик салони аҳоли хизматида бўлади.

Сайёра ЭШМАТОВА.

## ЁШЛАР ИЛЛАТГА ҚАРШИ

Гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик ҳамиша ҳаёт бўсағасида турган ёшлар тарбиясига катта хавф солиб келган. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда бундай иллатларнинг олдини олиш ва уларга қарши кураш борасида мунтазам равишда тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Яқинда Қибрай туманида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари иштирокида ўтказилган «Гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка қарши кураш – долзарб вазифа» мавзусида ташкил этилган давра суҳбати ҳам ёшларда ана шундай хавфли иллатларга қарши иммунитетни шакллантириш, унинг салбий оқибатларини кенгроқ тушунтиришга бағишланди.

Умидо ФАЗЛИДИНОВА.

## ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Чирчиқ Олимпия заҳиралари касб-ҳунар коллежи нафақат вилоятимизда, балки республикада ҳам ўзига хос нуфуз ва салоҳиятга эга ўқув юртиларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда бу ерда 600 нафардан зиёд йигит-қиз спортнинг 18 турини бўйича ўз маҳоратини оширмоқда. Дарс ва машғулотлар замонавий технологиялар асосида ташкил этилаётган ушбу билим юртида ўқувчиларнинг юксак интеллектual салоҳиятга эга, дунёқараш кенг ва маънавий етук инсонлар бўлиб камол топишларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Коллежда бўлиб ўтган бу галги семинар «Инновацион технологиялар асосида дарс ўтишининг долзарблиги» мавзусига бағишланди. Унда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ҳамда вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари педагоглари иштирок этди.

Таъкидланганидек, таълимда инновацион технологиялар, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш ўқувчилардаги шахсий сифатларни ривожлантириш ва билимларини мустаҳкамлаш имкониятларини берувчи ўзига хос услубий асосга эгадир.

Семинар давомида иштирокчилар таълим муассасасидаги дарс жараёнларини кузатиш, интерфаол усул ва амалий машғулотлар билан таълим имкониятларига эга бўлди.

Ўз мухбиримиз.

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Бўстонлик туманидаги 9-умумтаълим мактабида ЎзЛиДеП туман кенгашининг ташаббуси билан «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда партия аъзолари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари ҳамда Паргос қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги маҳаллалар фаоллари иштирок этди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилингани-

лигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилди. Давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили», деб эълон қилиниши мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш

борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мантқиқий давоми бўлгани алоҳида таъкидланди.

Қайд этилганидек, халқ билан доимий мулоқот ўрнатиш, аҳолининг қонуний талабларини ўрганиш ва уларнинг ихросини таъминлаш давлат ҳокимияти бошқаруви органлари раҳбарларининг энг муҳим вазифаси бўлиб, бундай мулоқотлар мавжуд муаммо ва камчиликларни ўрганиш ҳамда уларни ўз вақтида бартараф этишда катта роль ўйнайди.

Юлдуз ФАЗЛИЕВА.

## МАҲАЛЛАДА ТҮЙ БЎЛСА...

Чунки Сергей Ким уйланаётганида чолу кампир бир-неча кун уйига кетмай келди-кетди, тўйнинг файзли ўтишига бошқош бўлган-да. Отасидай бўлиб қолган одамнинг уйда катта-кичи сабзи тўғраётган бир пайтда унинг қаергадир шошиб кетгани, менга унча маъқул тушмади. Ха майли, ёшлиги бор-да. Буни бирор кун ўзига тушунтириб қўярман...

Бесенгул Жўлгаева ота юрти Чинознинг табиати, боғ-роғларга бурканган даласи, тупроғининг хидини яхши кўради. Бу меҳр уни ўрта мактабни тамомлагач, қишлоқ ҳўжалиги институтига (ҳозирги Тошкент Давлат аграр университети) ҳўжатларини топширишга туртки бўлди. Институтни аҳо баҳоларга битириб, ўз касби, танлаган йўналиши бўйича бир неча йил меҳнат фаолиятини олиб борди. У ўз даласи, ўзи истагандек меҳр ва билимини бериб парвариш қиладиган боғи бўлмаган йилларни кўп эслайди.

– Фермер бўлиб иш бошлаган пайтларим – 2004 йилда умумий ер майдонимиз 10 гектар эди, – дейди Бесенгул ая. – Техника йўқ, ишчи ҳам, ҳисобчи ҳам, раҳбар ҳам ўзим эдим. Ер ўзиники бўлса, ғайратинг ҳам бошқача бўлар экан. Ҳозир 50 гектар майдонга пахта ва галла экаман, 10 гектарда боғ парваришлайман. Бундай кенг майдонда барча агротехник тadbирларни бажарадиган техникалар, уларни бошқарадиган мутахассисларимиз ҳам бор. Фермер ҳўжалигимизда тажрибали мутахассисларнинг меҳнат қилаётгани, тармоқ ривожини учун юртимизда яратилаётган шароитлардан оқилона фойдаланаётганимиз ютуқларимиз кафолати бўлмоқда.

Бесенгул Жўлгаева мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, бу борада яратиб берилётган қулай ишбилармонлик муҳитидан фойдаланиб, тикувчилик цехини ишга тушириш ниятида. Бу лойиҳа амалга ошса, ўнга яқин қиз доимий иш билан таъминланади.

...Тўй бўлаётган хонадоннинг дарвозаси ланг очик. Кимдир қаергадир шовган, кимдир ўзига бириктирилган бошқа иш билан банд. Ҳеч кимнинг бир-бири билан гаплашишга, ортиқча юмушга чалғишга вақти йўқ. Тўйдан олдин шундай бўлади. Раис опа дарвозадан ичкарилади. Унинг-бунинг саломига алик олди.

– Ҳой, Бесенгулжон, кеча вақтлорқ йиғилишга келишган эдик-ку, – Шаҳарий момо меҳмонга пешвоз чиқди. – Сиз шундай қилсангиз, ёшларга қандай дакки бераман. Лаббай отаси... сабзи дейсизми? Етмаганинги ўзим топиб келаман, деб Сергейнинг машинасида чиқиб кетди-ку! Узр-узр, нима дедётгандим... Ха-ҳа, ёшларга ўзимиз ўрناق бўлайлик дейман-да...

Икром АВВАЛБОВЕВ, ЎЗА мухбири.







Кўна тарих гувоҳлик берадики, тинчлик-осоишталик, маъмурилик, тўқчилик ҳукрон жойда илм-фан, маданият, инчунун, халқнинг китобхонлик даражаси ҳам юқори бўлади...

Бугун ўзбек матбаачилиги ўттиз йиллар бурун тасаввур ҳам этиб бўлмайдиган юксалишга эришди. Шу ўринда, яқин кунларда нашрдан чиққан, аллақачон каттакич давраларда қизгин муҳокамаю муносабатларга мавзу бўлиб келаётган китоблар ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Таниқли тилшунос Равшан Жомоновнинг "Ўзбек тилида сўз ўзлаштириш ва имло муаммолари" номли монографиясини ўқиш, тўғриси айтганда, ҳар бир китобхонни қарама-қарши ҳаёллар оғушида қолдиради. Бинобарин, олимнинг кўп йиллик изланишлари маҳсули бўлган ушбу китобни шунчаки кўк чойни хўплаганча, болишни ўмовга тортиб, хотиржам ўқий олмайсиз. Чет сўзларнинг тилимиздан сурбетларча жой олиши торабора кучайиб бораётганидан ташвишланиб сўз айтган олимнинг тадқиқотлари кишини сергакликка, она тилимизга нисбатан бефарқ бўлмашиққа чақиради.

Кундалик сўзлашувда беармон ишлатаётганимиз - хом, кўп, қалта, қалта каби сўзлар, аслида ўзлашма сўз ҳисобланишни биласизми? Тўғри, бу сўзлар аллақачон миллий лексиконимиздан муштаҳам ўрин олган. Аммо, бунинг бадалага аввалдан муомаладаги қанча сўзлар она тилимиздан бадарга бўлганини унутишга

ҳақимиз йўқ. Бу юртни истило қилган фотиҳлар минг-минглаб ўз сўзларини тилимизга жойлаб кетганлар. Энг қизиги, бу огриқли жараёни асл ҳолига келтириш қарийб имконсиз - бунинг учун барча зиёлилар тилнинг софлиги учун кўп вақт

борга сазовор фикрларини ўртага ташлайди.

Муаллиф шундай ёзади:

"Ўқувчи", "ёзувчи" каби нисбатан "ёш" ўнлаб истилоҳлар ҳам илк истеъмолга киритилганда фалати туюлган бўлса керак: "адиб", "нависан-

бу суффикс имкониятидан янги сўз ясашда фойдаланмаймиз. Аҳоли тилида эса кенг қўлланади: "Бу сотарман, у оларман бўпти. Бу оларман, қиз тегарман..."

Демак, астойдил излансак, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, она

нода, филология фанлари доктори, профессорлар Тўра Мирзаев, Асқар Мусоқулов, Баҳодир Саиримов томонидан тартиб берилган "Ўзбек халқ мақоллари" (лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида) китобхонларга жуда фойдали.

да завқли жавоб берди: "Тўғри йўлданман". Қойил... Бугун ўз-ўзимиздан, кўнглимиздан шу сўроқ чиққудек бўлса, сира иккиланмай баралла: тўғри йўлданман, дейишга қодиримизми? Адабиёт, ҳазрати сўз бобид асл манзил-мақомимиз бир ён қолиб, улоқиб кетмаёптими? Воқеан, тўғри йўлнинг боши, аввали тўғри сўзлашдан, ҳалол, холис фикрлашдан бошланади. Тилнинг кудрати, гўзаллиги ҳам ана шунда!

Истеъдодли шоир Эшқобил Шукрунинг "Кўз юмиб кўрганларим" номли янги китоби мутолааси устиде негадир ўша халқ мақоллари, ўлмас севги дostonлари - Тоҳир ва Зухролар, Вомиқ ва Узролар, Алпомишу Барчинойлар кўз олдингизга келади. Негаки, шоир сўзларини шундай саралаб сайлайдики, мароқ билан, бир нафасда ўқийдиган сатрларингиз баҳши-шоирларнинг дўмбира чертиб, иштиёқ билан айтган ўланларига аланечук ўхшашиб кетади. Завқдан тошасиз, ў, она тилим, онажон тилим, бунчалар гўзалсан, қанчалар суюксан, нақадар буюксан, дейсиз қониқши ила. "Юрак деган гулгулар тош", "Кифтимага тўдана тақди Момотоғ", "Туйғу қаноти", "Соҳибин йўқотиб қўйган соялар", "Кел, бирга яшайлик афсоналарда" каби гўзал топилмалар шенрга табиий бир йўсинда сингиб, кўнглига шуъла ташлайди. Ўлманг, шоирим, бунингдек гўзал мисраларни ўқийга муштоқ ўзбек шеърсуярлари ҳаммиз бор бўлсинлар, дейсиз...

Мутолаа эса давом этади...  
**Беҳзод ҚОБУЛОВ.**

# КИТОБХОНЛИК: МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ ВА ЭЗГУЛИК ЭҲТИЁЖИ



астойдил курашиши зарур. Шу каби ҳаёллар билан мавзуга доир билимларингизни кенгайтириш ниятида таниқли адиб, марҳум Аҳмад Аъзамнинг "Тил номуси" китобини варақлай бошласиз. Асосан, бугунги кунда кечаётган тил ўзгаришлари, бузиб сўз айтиш борасида куюниб сўзлаган муаллиф, кейин бу жараёнинг олдини олиш, муайян тартибга солиш борасида эъти-

да", "талаба", "толиб" каби ўрганган сўзларимиз турганда буларга не ҳолат деб. Лекин, ҳозир муомалада табиий бўлиб кетди, арабий "адиб", "талаба"га қараганда кенгроқ кўламда истилофода этилади. Шеваларимизда эса адабий тилдан четда қолаётган бошқа муқобиллари ҳам бор: "ёзарман", "ўқирман". Негадир шу "ман" қўшимчали сўзлар адабий тилда жуда сийрак,

тилимизнинг софлиги учун курашсак, чет сўзлар истилофосидан ҳимоя қилсак бўлади. Хали фурсат қўлдан бой берилган эмас, зотан бу орқали жозибали, ширали ўзбек тилининг ривожланишини, умброқийлигини таъминлаш йўлида зиёлилар, албатта, бирлашиши керак. Бу эзгу мақсадда, табиийки, халқнинг доно сўзлари, матал, нақл ва мақоллари жуда кўп келади. Шу маъ-

Унда қадим тилимизда мавжуд бўлган, турли фольклор айтимлари, дostonлар орқали шу кунларга қадар омон этиб келган ихчам, аммо маъно-миқдос кенг мақолларни завққа тўлиб ўқийсиз. Она тилимизнинг бор гўзаллиги, жозибасию кудратини жамулжам қилган мақоллар нафақат дунёни англаш, тўғри йўлдан бориш ҳақида, қолаверса, сўздан сўзин, ноаниқ жумладан тугал, оҳорли жумлани фарқлаш борасида ёш журналистларга, филологларга бе-назир қўлланмадир.

Мақолнинг, халқ айтган қочиримли, ихчам жумлаларнинг кишига ёқимли томони нимада? Бу ҳақда кўп ва хўб гапириш мумкин.

Қайси бир кунни дўстимиз билан йўлда кетаётган эдик. Иттифоқнинг ҳўз телефони жоринглаб қолди. У ёқдан, ўша телефон қилгувчи: "Қаердасиз?", деб сўради шекилли, дўстим: "Йўлдаман", деб жавоб берди. Кейинги савол янада аниқроқ бўлди: "Қайси йўлдасиз?" Дўстим қисқарган, аммо жу-

# Спорт хабарлари

## ДЕНИСИМИЗ ЮТУҒИ - ТЕННИСИМИЗ ЮТУҒИ

Мамлакатимизда спортга қаратилаётган юксак эътибор самараси ўлароқ, бугунги кунда спортчиларимизнинг халқаро майдонлардаги ютуқлари салмоғи ҳам ортиб бормоқда. Ана шундай муваффақиятлардан яна бири ҳақидаги хабар олис Австралия томонлардан келди. Гап шундаки, теннис бўйича ўтказилаётган Australian Open мусобақасининг 2-даврасида ҳамюртимиз Денис Истомин дунёнинг 2-рақамли ракеткачиси, сербиялик Новак Жоквични мағлубиятга учратди.



Мусобақанинг амалдаги голиби Новак Жоквичга қарши бунгача беш марта баҳс олиб борган ҳамюртимиз фақат битта сетда галаба қозонган эди. Бу сафар салкам беш соат давом этган баҳсда Истомин мардонавор кураш олиб бориб, 3:2 ҳисоби билан галаба қозонди ва юқори натижани қайд этди.

Новакдан уэр сўрайман, аммо бугун мен жуда зўр ўйнадим. Жамоамдоғиларга раҳмат айтаман, - дея ўз галабасига изоҳ берди Денис.

Мазкур галабадан сўнг Европа матбуотида Денис Истомин ҳақида туркум мақолалар чоп этилди. Интернет нашлари эса унинг галабасини қизгин муҳокама қилишмоқда.

Бу - спорт. Унда галаба ҳам, мағлубият ҳам бор. Истоминнинг кучини тан олиш лозим. У бугун ажайиб ўйнади ва ҳаққоний галабага эришди. Шубҳасиз, у ўйиннинг асосий жабҳаларида менадан устун эди, - дея тан олди Жоквич.

Энди Истомин тўртинчи босқичга чиқиш учун дунё теннисчилари рейтингда 30-ўринда бораётган испаниялик Пабло Карреньо-Буста билан куч сынашади.

## «ПАХТАКОР» ҲАМОН ЗЎР

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати баҳслари бошланишига ҳам оз фурсат қолди. Мавсумга муносиб ҳозирлик кўриш мақсадида жамоалар тайёргарликни хорижда ўтказмоқда. Хусусан, Тошкентнинг "Пахтакор" клуби БААдаги йилнинг доирасидаги илк ўртоқлик учрашувида майдонга тушди.

Хитойнинг "Чанчун Ятай" клубига қарши бўлиб ўтган баҳсда "шерлар" 4:1 ҳисобида зафар қўчишди. "Пахтакор" таркибида Игорь Сергеев дублга эришган бўлса, Машарипов ва Шерзод Каримов биттадан тўп киритишди. Мазкур натижа "Пахтакор" бой берилган мавсумдан сўнг олий лига баҳсларида жид-

дий тайёргарлик кўраётганини англатади. Шунингдек, пойтахтнинг яна бир жамоаси зафар қўчишди. "Пахтакор" таркибида Игорь Сергеев дублга эришган бўлса, Машарипов ва Шерзод Каримов биттадан тўп киритишди. Мазкур натижа "Пахтакор" бой берилган мавсумдан сўнг олий лига баҳсларида жид-

**Ф. РАВШАНОВ** тайёрлади.

## Ҳикматлар гулдастаси

### ЯХШИЛИК ҲАҚИДА

Миннат - силтовлар билан қилинган хотамлик ортиғи билан ёққан ёмғирдек бўлса-да, унда яхшилик бўлмайди.

Яхшилик билан инсон жамоли, Опи қилурга-чи йўқдир мажоли.

**Замнашарий**

Сендан бўлса мурувват яхши билан ёмонга,

Қайтиб келур не қилсанг, шудир асли ҳақиқат.

**Абу Таййиб ал-Муънабий**

Кишиларга яхшилик қил, (шунда) уларнинг қалбларини ўзинга қўлиб оласан.

**Абдураззоқ Самарқандий**

Куймаса мажлис ичра шўм шом,

Бўлмас эди меҳрга қойим мақом.

**Ҳайдар Хоразмий**

## Одамийлик шеvasи

Халима, эсингни йиғ. У одамни сўраб-суриштирдим. Марҳум хотинидан беш сағири қолган экан. Улар сени она деб қабул қилишармикин, - деди Назоқат дугонасига.

Назо, салкам ўн йил фарзанд кутиб яшадим. Минг афсус, биринчи турмушим бўлмади. Буюғига яна пешонамдан кўраман...

Халима тақдирга тан бериб, янги хонадонга она бўлиб келганда, Саидакбарнинг энг катта фарзанди ўн бир ёшда эди. У болаларни ўз онасидек бағрига олди, етимликларини билдирмади. Саидакбар кишлоқнинг темирчиси эди. Халол

## ФАРИШТАГИНАМ

меҳнати билан оила тебратарди. Халима ҳам ҳар йили ипак қурти боқиб, эрига ёрдамчи бўлди. Хуллас, "Эр-хотин қўш хўкиз" эдилар...

Лекин, қисматни қарангки, Халиманинг пойқадами билан хонадонга файз кириб, оила қайта жонланиб, турмушга барака кирган шодон кунларнинг бирида Саидакбар оғир дардга чалиниб, ётиб қолди. Муолажалар наф бермади. Бўралаб қор ёғаётган қиш оқшомида Халимага сўнги сўзини айтди:



Онаси, болалар сенга омонат... Улар сени ўз туққан оналаридек яхши кўришади. Сен ҳам...

Саидакбарнинг дафн маросимига бутун қиш

ўзида куч топа олди... Яқинда Халима аянинг ўртанча ўғли Олимжон билан суҳбатлашиб қолдик.

Ҳаёт деганлари синовлардан иборат экан, - деди у. - Кўп китоб ўқиганман. Уруш йилларида кўллаб етим болаларини асраб, ўз бағрига олган ўзбек оналарини биламан. Аммо, менинг онам бир эмас, беш етимни боқиб, ўстириб, уйли-жойли, касб-корли қилдилар. Илойим умрлари узоқ бўлсин. Фарияштагинимнинг олдиларида бир умр қарздорман. Онажоним бугун табарруқ ёшда неваралар ардоғидалар.

Латифжон МАНСУРОВ.

## Реклама ва эълонлар

"Respublika Mulk Markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ФИБ Зангиота туманлараро судининг 2015 йил 25 ноябрдаги 12218-19/11-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани суд ижрочилари бўлимида сақланаётган "ГБА СПГ ММ345021" русумли, давлат рақами 10/694КАА бўлган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси такроран кўйилмоқда, бошланғич баҳоси - 25 080 000 сўм.

Аукцион савдосига 2017 йил 8 февраль кунини соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охири мuddати: 2017 йил 6 февраль соат 18.00 гача.

2. Аукцион савдосига Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими

томонидан, ЖИБ Зангиота тумани судининг 2016 йил 15 февралдаги 1-63/2016-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани ИИБ ЙХХБ жарима майдониде сақланаётган, "Нексиа" русумли, давлат рақами 10 S183LA бўлган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси кўйилмоқда, бошланғич баҳоси - 34 909 500 сўм.

Аукцион савдосига 2017 йил 23 февраль кунини соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охири мuddати: 2017 йил 21 февраль соат 18.00 гача.

Автотранспорт воситалари билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "RMM" МЧЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 га тўлашлари шарт. Савдоларда иштирок этиш учун ариза, закат пули тўланганини ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризалар қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rmm.uz.

Гувоҳнома № 001805.

## "VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2017 йил 22 февраль соат 15.00 да мулк бошланғич баҳосининг босқичма-босқич оширилиши тартибиде ўтказиладиган "Очик аукцион" савдосига "QODIRJON OMAD AGRO" фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Назарбек ҚФЙ худуди бўйича 2,5 Га ер майдони участкасида жойлашган 171 туп олхўри кўчати, 29 туп 1,5 диаметргача, 35 туп 3,5 диаметргача, 7 туп 5,5 диаметргача олхўри дарахти, 21 туп 1,2 диаметргача, 12 туп 3 диаметргача, 34 туп 7 диаметргача, 112 туп 11 диаметргача, 75 туп 16 диаметргача олма дарахти ҳамда 2 туп 16 диаметргача ёнғоқ дарахти ва уларга бўлган ҳуқуқлар қўйилмоқда. Мазкур дарахтлар ва уларга бўлган ҳуқуқлар сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион

савдоси ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари соат 15.00 да ўтказилади. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, А. Тезиладиган "Очик аукцион" савдосига "QODIRJON OMAD AGRO" фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Назарбек ҚФЙ худуди бўйича 2,5 Га ер майдони участкасида жойлашган 171 туп олхўри кўчати, 29 туп 1,5 диаметргача, 35 туп 3,5 диаметргача, 7 туп 5,5 диаметргача олхўри дарахти, 21 туп 1,2 диаметргача, 12 туп 3 диаметргача, 34 туп 7 диаметргача, 112 туп 11 диаметргача, 75 туп 16 диаметргача олма дарахти ҳамда 2 туп 16 диаметргача ёнғоқ дарахти ва уларга бўлган ҳуқуқлар қўйилмоқда. Мазкур дарахтлар ва уларга бўлган ҳуқуқлар сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион

тўловни савдо ташкилотчиси-нинг АТБ "InfibANK" даги МФО 01041, ИНН 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва куйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслардан давлат тўғрисидаги ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнаша, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закат пули тўланганини ҳақида тўлов ҳужжати. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинди. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел.: (0595) 143-0143, e-mail: info@realtors.uz, www.realtors.uz. Лицензия RR 0173.

<p><b>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ</b> <b>ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА</b></p> <p>Муассис: <b>Тошкент вилояти ҳокимлиги</b></p>	<p>Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи</p> <p><b>Ғайрат ШЕРАЛИЕВ</b></p>	<p>Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.</p> <p>Электрон почта: thaqiqat@uam.uz</p>	<p>Телефонлар:</p> <p>Қабулхона: 233-58-85 (факс) Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10 Котибият: 233-90-82, 233-79-96 Бўлим муҳаррирлари: 233-38-23, 233-48-08 Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59 Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10</p>	<p>Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатта олинган.</p> <p>Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида теришти ва саҳифаланди.</p>	<p>Навбатчи муҳаррир <b>Ҳолмурод САЛИМОВ</b> Назоратчи мусаҳҳиҳ <b>Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА</b> Саҳифаловчи <b>Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ</b></p>
	<p>Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-8028. Адади 15 624. Баҳоси келишилган нарда Ҳажми - 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.</p>				